

БОШ МУХАРРИР

Шавкат ШАРИПОВ -
педагогика ф. д., профессор

БОШ МУХАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ

Усмонжон ҚОСИМОВ - фил. ф. н., доц.
Файрат ҚОДИРОВ - биология ф. н.

МАСЪУЛ КОТИБ

Бекзод МИРЗАЕВ

ТАХРИРИЯТ:

ТАРЖИМОНЛАР:

Феруза ШУКУРОВА
(рус-тили)
Гулрух НОРБЕКОВА
(инглиз тили)

САХИФАЛОВЧИЛАР:

Гулжаҳон ҚОДИРОВА
Феруз РАҲМОНҚУЛОВ

Журнал андозаси Ахборот
технологиялар марказида
Собир СИБГАТУЛЛИН
томонидан тайёрланди

Муассис – Жиззах давлат
педагогика институти

Журнал йилда 4 маротаба
(хар чорақда) чоп этилади.

Матнлардан фойдаланилган кўчирма
ва маълумотлар аниқлиги учун
муаллифлар масъулдорлар.

Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси-
нинг филология, фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018 йил 29 декабр-
даги 260/6-сон баённомаси) тавсияси билан зарурий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Журнал Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасидан 2018 йил 28 марта
06-037 рақам билан рўйхатга олинган. Журналнинг халқаро ISSN рақами: 2181-6131**

МАНЗИЛ: 130100, Жиззах шаҳри,
Ш. Рашидов кўчаси, 4-йўй, бош бино

ТЕЛЕФОН: (99872) 226 02 93,
(99890) 643 29 64

ФАКС: (99872) 226-46-56

ТАХРИР ҲАЙЬАТИ АЪЗОЛАРИ:

Анатолий САГДУЛЛАЕВ - тарих ф. д., академик
Комилжон ТОЖИБОЕВ - биология ф. д., академик
Жак МИКЛОВИК - INSHEA университети профессори (Франция)
Василий КОЧУРКО - техника ф. д., Баранович ДУ профессори
Гулсем ЛЕКЕРОВА - психология ф. д., профессор
Фурқат ЖЎРАҚУЛОВ - сиёсий ф. д., доцент
Сарвар НАЗАРҚОСИМОВ - соц. ф. ф. д., (PhD)
Абдуғани ХОЛБЕКОВ - социология ф. д., профессор
Бахтиёр ТЎРАЕВ - фалсафа ф. д., профессор
Бахти ОЧИЛОВА - фалсафа ф. д., профессор
Қозоқбой ЙўЛДОШЕВ - педагогика ф. д., профессор
Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ - филология ф. д., профессор
Абдуғафур МАМАТОВ - филология ф. д., профессор
Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ - физ.мат. ф. д., профессор
Гулчехра АГЗАМОВА - тарих ф. д., профессор
Ҳамид МЕЛИЕВ - педагогика ф. н., профессор
Худойберган МАВЛОНОВ - биология ф. д., профессор
Қўчкор ҲАКИМОВ - география ф. н., профессор в.б.
Рустам АБДУРАСУЛОВ - психология ф. д., профессор в.б.
Зухра ЯХШИЕВА - кимё ф. д., доцент
Абдунаби ҲОТАМОВ - фалсафа ф. н., доцент
Мухторқул ПАРДАЕВ - тарих ф. н., доцент
Раббим ЮСУПОВ - техника ф. н., доцент
Олег КИМ - филология ф. н., доцент
Абдували Шамсиев - иқтисод ф. н., доцент
Камолиддин Зайиров - педагогика ф. н., доцент
Суннатулло СОИПОВ - филология ф. н.
Юлдуз КАРИМОВА - филология ф. н.
Омон ИСАРОВ - филология ф. н.
Шерали АБДУРАИМОВ - пед. ф. ф. д., (PhD)
Феруз ЖУМАЕВА - филология ф. ф. д., (PhD)

"ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ" МАТБАА БЎЛИМИ

Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-йўй
2020 йил 25 марта куни босмаҳонага топширилди.
Қофоз бичими А4 Буюртма: _____
Нашр адади: 100

МУНДАРИЖА

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Шавкат ШАРИПОВ. Илм-фан ютуқлари - мамлакат тараққиётининг муҳим гарови.....4

ДАВР МУАММОСИ

Хусниддин АҲМЕДОВ. Таълим ва тарбия - маънавий ислоҳотлар омили.....5

ТАҚВИМ: АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ

579 ЙИЛЛИГИ

Усмонжон ҚОСИМОВ, Сапура КАРИМОВА. - Адабий анъана ва новаторлик қирралари.....8

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ФАЛСАФА

Бахти ОЧИЛОВА. Таълим тизими ислоҳотларининг тафakkур янгиланишидаги аҳамияти.....11

Бобомурот ТОШБОЕВ. Ўзбек халқи маънавий қиёғаси такомилида миллӣ
тамоилиининг ўрни.....18

Кувват АЛИҚУЛОВ. Ёшлар иқтисодий фаоллигининг ахлоқий ва эстетик
истиқболлари.....20

Дилбар ФАЙЗИХОДЖАЕВА. Имом Газзолий мунозара шартлари ва одоби ҳақида.....24

Мўмин ҲОШИМХОНОВ. Машраб муножотлари.....27

Зиёдулла ФОЗИЕВ. Сўфи Оллоёрнинг меҳр-оқибат тўғрисидаги
фикрлари.....30

ФИЛОЛОГИЯ: ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР

Феруза ЖУМАЕВА. Ясама сўзларнинг семантик структураси.....33

Дилноза АБДУВАЛИЕВА, Абдулҳамид АБДУВАЛИЕВ. Алишер Навоий тарихий
асарлари лексикасидаги архаиклашган бирликлар.....36

Барно ҚЎШОҚОВА. Тил ижтимоий функциялари кенгайишининг сўз ясалишидаги роли.....41

Турсунқул АЛМАМАТОВ, Шахноза АЛМАМАТОВА. Муболагалар воситасида ўқувчилар
нутқий салоҳиятини ошириш.....43

Латофат ИБРАГИМОВА. Шарт майленинг қўлланишига доир баъзи мулоҳазалар.....46

Нодира СОАТОВА, Завқиддин БУРХОНОВ. "Қисаси Рабгузий"да композицион тузилиш ва фоя.....49

Элмурод НАСРУЛЛАЕВ. "Алишер Навоий" драмасида улуғ шоир шахсияти талқини.....51

Тозагул МАТЁҚУБОВА. Fafur Fулом шеъриятида лирик "Мен" и табииати.....55

Латифа ХУДОЙҚУЛОВА. Суннат тўйи маросими фольклорининг локал хусусиятлари.....58

Насим ОЧИЛОВ. Қодир бахшининг достончилик фаолияти ва эпик анъаналарнинг жонланиши....61

ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ

Асқар МЎМИНОВ, Ҳамрақул ЭШОНҚУЛОВ. Мактабгача таълим муассасалари
бошқарувини математик моделлаштириш.....65

Хуррам ТАНГИРОВ. Электрон таълим ресурслардан фойдаланишда хорижий
мамлакатлар тажрибаси.....67

Ўқтам ҲАЛИМОВ. Талабалар касбий компетентлигини математика воситалари
ёрдамида шакллантириш.....71

Мурод БАРАКАЕВ, Зебо ФИЁСОВА. Математик таълимда ўқитувчи фаолиятини самарали
ташкил этиш имкониятлари.....74

Бахтиёр МИРКОМИЛОВ. Талабаларни бадиий қадриятлар асосида тарбиялаш ўйли.....78

Умид ЖУМАНАЗАРОВ. Чет тилда нутқ фаолиятини эгаллашда интуиция ва онглиликтининг ўрни.....81

Гулноза ҚЎРБОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий маданиятни шакллантириш.....84

Икром ЭГАМБЕРДИЕВ. Анорганик олам компонентларининг шаклланниши ва ривожланиши85

Хўжамберди ТОҒАЕВ, Тўйчи ИСМОИЛОВ, Ориф КАРИМОВ. Ижодкорлик масалалари ечими-
нинг фалсафий-педагогик асослари.....88

Гулчехра ЎТАМУРОДОВА, Чингиз ОЧИЛОВ. Ўқитувчи камолотида шарқ
мутафаккирлари қарашларининг ўрни.....91

Насиба ЖУМАНОВА . Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожланитиришда
мулоқотнинг ўрни.....93

Ботир БОЙМЕТОВ, Үгилой ХУДОЙНАЗАРОВА. Рангтасвирда портрет тасвирининг
методик асослари.....95

Ойкарар БАЙМУРЗАЕВА. Санъат ва ижтимоий ҳаёт.....98

Акбар СОДИҚОВ. Юқори синф ўқувчиларида тезкорлик қобилиягини ривожланитириш
услублари.....100

Нурмаҳан АБДУКАРИМОВ. Глобаллашув даврида ёшлар тарбияси.....102

РУХИЯТ ОЛАМИ

Гулноза ҚАРШИБОЕВА. Суицид ҳолатларнинг келиб чиқишида рухий зўриқишининг олдини олиш омиллари.....	104
Шоҳида АБДУЛАХАДОВА. Бадиий талқинда психологик таҳлилнинг ўрни.....	107

ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА

Муҳаммад РУСТАМОВ. Математика тушунчалари ва хоссаларини асослаш усули.....	110
Муаттархон АКБАРОВА. "Кимё" курсининг ўзига хос жиҳатлари	112

МОЗИЙ САДОЛАРИ

Мухторқул ПАРДАЕВ, Шерзод ПАРДАЕВ. Ривожланган ўрта асрларда Жиззах воҳаси Буюк ипак йўли тизимида.....	114
--	-----

ГЕОГРАФИЯ ВА ТУРИЗМ

Қўчкор ҲАКИМОВ. Топонимик ландшафт - топонимиканинг ўрганиш обьекти сифатида.....	117
Муҳаббат КАЮМОВА. Мирзачўл райони сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари.....	119

ТАБИАТ ВА ОЛАМ

Хуршида ПАРДАЕВА. Ташибалиқда гипоталамус ва сенсомотор пўстлоқнинг хулқ-авторга таъсири.....	121
--	-----

ЖАВОНДАГИ ХАЗИНА


Фарҳод НОРБЕКОВ, Раъно НОРБЕКОВА. Конан Дойл асарларида бадиий тўқима ва талқин....	123
--	-----

ЁШ ТАДЌИҚОТЧИЛАР


Лутфулла СИНДОРОВ. "Хибатул ҳақойиқ" асаридағи айрим лексемалар семантикаси.....	125
Умидахон НОСИРОВА. Шеърий матнда лексик бирликлар ифодаси.....	127
Олима ХОЛМУРОДОВА. Ўзбек ва инглиз халқ эртакларининг тузилиш хусусиятлари.....	130
Азизбек МУҲАМЕДОВ. XX асрнинг 70 йилларида ўзбек таржима назарияси.....	133
Дилноза БОЙМАТОВА. Киритма қатнашган гапларнинг прагмасемантик табиати.....	135
Моҳира ИСЛОМОВА. Рамз ва мажознинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари.....	138
Соҳиба ШОДИЕВА. Самарқанд жадидларининг педагогик мероси	139
Қосимбек РАЗЗОҚОВ. Тасаввуф таълимотида олам ва борлиқ масалалари талқини.....	141
Жасур ШОДИЕВ. Жамоатчилик фикрини бошқаришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили.....	143
Нафиса МАМАРАҲИМОВА. Оғзаки нутқни ўстиришда бадиий адабиётнинг ўрни.....	146
Дилшод ҲАЙДАРОВ. Дизайнерлик маҳоратини шакллантириш асослари.....	149
Феруз РАҲМОНКУЛОВ, Умида МАМАТҚУЛОВА. Лаборатория машгулотларида тадрижий топшириклардан фойдаланиш.....	151
Хайитгул МУЗАФФАРОВА, Мафтуна НОРМАТОВА. Болаларда нутқ бузилишлари ва уларга коррекцион ёндошиш усуллари.....	153
Наргиза ОЧИЛОВА. Таълимда аҳборот тушунчаларини шакллантириш асослари.....	155
Фозил ИРМАТОВ. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини замонавий технологиялар орқали ошириш.....	157
ДИЁР ТУРСУНОВ. Гоявий-мағкуравий компетентликни ривожлантириш таҳлили.....	160
Мавлон БЕКМИРЗАЕВ. Инновацион педагогик фаoliyatни аниқлаш йўли.....	162
Фазилат ИБРАГИМОВА, Танзила СУЛАЙМОНОВА. Ёшларда бузгунчи гояларга қарши иммунитетни шакллантириш масалалари.....	164
Алишер ОЛИМОВ. Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўзлаштириш кўрсаткичлари.....	168



12. **Curves** ёрдамида метал рангини ҳосил қилинг.



13. **RGB** каналига ўтинг ва клавиатурадан **CTRL** тұмасини босган ҳолда **Alpha 2** каналини танланг.



14. Оч күк рангга бўянг. Белгилашни бекор қилинг (**Ctrl+D**)



15. Тайёр бўлган тасвирни папкангизга сақланг. [3]

Хулоса қилиб айтганда юқорида көлтирилган маълумотларга асосан олий талим муассасаларидан информатика фанларидан лаборатория дарслари топширикларни бажариш жараёнида турли методлардан фойдаланилади. Юқорида көлтириб ўтилган намунадаги лаборатория топширикларини тайёрлашни аниқ бир фан юзасида кўриб чиқдик, унда лаборатория машгулотлари аниқ бир кетма-кетликда қадамлардан ташкил топди ва якунда керакли натижага эришилди. Мазкур лаборатория топшириғи бажарилгандан сўнг ҳар бир талабага алоҳида топшириклар берилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тангиров Х.Э., Рахмонкулов Ф.П., Мусурманов У.А. Компьютер графикиси фанидан Adobe Photoshop дастурига доир лаборатория машгулотларини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. - Жиззах, "Сангзор". - 2019. 92 бет
2. Рахмонкулов Ф.П., Валиқулов Б. Умумий ўрта таълим мактабларида ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммоси ва унинг таркиби. - "Таълим жарабёнига ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ қилиш муаммолари" мавзусидаги республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари тўплами (24 апрель 2017 йил) 2 қисм Андижон 2017. 3. <http://www.modern-computer.ru/>

БОЛАЛАРДА НУТҚ БУЗИЛИШЛАРИ ВА УЛАРГА КОРРЕКЦИОН ЁНДАШИШ УСУЛЛАРИ

Хайитгул МУЗАФФАРОВА - катта ўқитувчи,
Мафтуна НОРМАТОВА - магистрант
Жиззах давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада нутқ бузилишини көлтириб чиқарувчи сабаблар ва уларни олдини олиш эрта ривожланиш билан бевосита боғлиқлиги, боладаги нуқсон тузилиши қанча эрта аниқланса ўз вақтида логопедик ёрдамни түғри ташкиллаштириш мумкинлиги хақида фикрлар билдирилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: Логопедия, нутқ, асфиксия, гипоксия, дислалия, артикуляция.

НАРУШЕНИЯ РЕЧИ У ДЕТЕЙ И ПУТИ ИХ КОРРЕКЦИИ

АННОТАЦИЯ: В этой статье утверждается, что причины и последствия речевых расстройств напрямую связаны с ранним развитием, и что чем раньше будет выявлен дефект ребенка, тем больше материально-технической помощи можно будет организовать. Авторы стремились подчеркнуть необходимость ранней логопедической помощи.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Логопедия, речь, асфиксия, гипоксия, дислалия, артикуляция.

SPEECH DISORDERS IN CHILDREN AND WAYS OF THEIR CORRECTION

ABSTRACT: This article argues that the causes and consequences of speech disorders are directly related to early development, and that the sooner a child's defect is identified, the more material and technical assistance can be provided.

KEYWORDS: Logopedia, speech, asphyxia, hypoxia, dyslalia, articulation.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ

Инсоннинг психик ривожланишида нутқ мұхим рол үйнайды. Нутқ инсоннинг эңг мұхим ақлий вазифасидир.

Нутқнинг ривожланишидаги оғишлар боланинг бутун ҳаётига, унинг бошқалар билан алоқасига, ақлий ривожланишига таъсир қиласы. Буларнинг барчаси боланинг билиш жараёнлари, үқиши, ёзиши каби үкүв жараённега тайёргарликни билим, күнік мағаза менен сөзлекнің септимесін анықтаудың мүмкінлігін анықтайды.

Нутқ камчилигининг олдини олиш самарадорлығы әрта ривожланиш билан бевосита боғлиқ, нұқсан түзилиши қанча әрта аниқланса үз вақтида логопедик ёрдамни түғри ташкиллаштириш мүмкін.

Логопедия - махсус таълим ва тарбия воситасыда нутқ бузилишларини үрганиш, тузатыш ва олдини олиш ҳақидағы педагогик фандир. Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқымлары таркибини үрганады. Шунинг учун уни махсус педагогика фанисирасыга құшадилар.

Болаларда нутқ бузилишини көлтириб чыкарувучи қойидағы сабаблар учрайди: ташқи (әкзоген) ва ички (әндоген) омиллар, шунингдек ташқи экологик шароитлар мавжуд. Шунингдек, болани үраб турған шароитларни алохыда үрганиш керак.

Мактабгача ёшдаги болаларда нутқ заиф функционал тизим бўлиб, салбий таъсирларга осонгина дучор бўлади.

Хозирги пайтда логопедияда нутқ бузилишларининг иккита таснифи үрин олган; биринчиси - тиббий педагогик тасніф бўлса, иккінчиси психология-педагогик ёки педагогик тасніф (Р. Е. Левина бўйича).

Қайд қилинган таснівлар нутқ бузилишларини гурухларга бўлган ҳолда үрганишни назарда тулади, чунки улар кўпроқ бир-бирини тўлдиради. Зотан улар логопедик таъсир этишнинг ягона, аммо кўп томонли жараённега турли вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир[1,34].

Нутқ патологиясининг турли шакллари (турлари) ажратиб туради, уларнинг ҳар бири ўзига хос аломатларга ва намоён бўлиш динамикасига эга. Булар овознинг бузилиши, нутқнинг тезлашиши, дудукланиш, дисалия, ринолалия, дизартрия, алалия, афазия, ёзиши ва ўқиши бузилишлари (аграфия ва дисграфия, Алексия ва дислексия). Бузилишнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ ҳар бир шакл учун тузатиш ва логопедик иш усуслари ишлаб чиқилган.

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда энг кўп учрайдиган нутқ нұқсонларидан бири дислалиядир. Дислалия термини грекча сўздан олинган бўлиб, дис-бузилиш, лалия-нутқ деган манони англатади.

Товушларни нотўғри талаффуз этиш она тилидан ўзлаштиришни пасайишига сабаб бўлади. Товушлар талаффузининг бузилиши асосан артикуляцион жиҳатдан талаффуз қилиш қийин бўлган: сонор (р, л), сирғалувчи (с, з), ва шовқинли (ш, ж, ч), тил орқа (к, г) товушларида учрайди.

Болаларда товушлар талаффузининг бузилиши товушларни нутқда йўқлиги, уларни бузиб талаффуз этиш ва бир-бирига билан алмаштириш ҳоллари билан намоён бўлади.

Логопедик таъсирнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тузатиш ишларини қўйидағи босқичларга ажратиш мұхим деб топилди: тайёрлов босқичи, бошланғич талаффузда билим ва күнікма (малакалар)ларни шакллантириш босқичи.

Тайёрлов босқичи. Бу босқичнинг асосий мақсади бола дикқатини мақсадга қаратилган логопедик жараёнга қаратиш. Бунинг учун бир қатор умумпедагогик ва махсус логопедик масалаларни ечиш лозим.

Мұхим умумпедагогик масалалардан бири машғулотлар йўналишини шакллантиришdir. Болалда машғулотга нисбатан уялиш, танглик, индамаслик баъзи ҳолларда хатто қўркув ҳоллари ҳам кузатилади, бу ҳолатларни юмшатиш учун логопед болани хонага, жиҳозларига, унинг ички мұхитига, машғулотларга кўникмаларни ривожлантириши зарур. Логопеддан асосан хушмуомалалик талаб қилинади, бола билан муносабатда қаттиқўллик, расмиятчилик қилиш керак эмас.

Бола машғулот қоидаларига риоя қилиши, логопед берган кўрастмаларни бажаришни, мулоқотга фаол равишда киришишни үрганиши керак. Машғулотларга тушунган ҳолда, эрkin ёndoшиши шакллантириш лозим.

Тайёрлов босқичининг мұхим масалаларидан бири дикқат, хотира, фикрлаш операцияларидан анализ ва синтез, таққослаш, хулоса чиқарышни ривожлантиришdir.

Махсус логопедик масалалардан бири товушларни бир - биридан ажратишга, танишга, артикуляцияни шакллантиришни билиш ва кўнишишга ўргатишидир. Бу масалалар дислалиянинг қайси формаси эканлигига қараб параллел ёки кетма-кет равишда ечилади. Дислалияни бартараф этишнинг мұхим масалаларидан бири болаларни фонемаларни танишга, ажратишга ва эслаб колишга ўргатишидир.

Дислалиянинг аралаш ва мураккаб шаклида болалар билан фонематик идрок, артикуляцион машқлар ўтказиш учун керакли бўлган қойидағи талаблар амалга оширилади:

1. Талаб қилинган вазиятни эгаллай билиш, вазиятда турға олиш, шу вазиятни сақлаб қолиши, бир вазиятдан иккінчисига ўта билиш.

2. Артикуляцион моторикани ривожлантирувчи машқлар тизимиға статик ва динамик кординационасини ривожлантиришга қаратилган машқларни киргизиш лозим.

3. Лаб ва тил ҳаракат машқларини бирга олиб бориш зарур, чунки бу органлар товушларни талаффузида биргаликда иштирок этишади, бир - бирига мослашади (бу кўринишини коартикуляция дейилади).

4. Бола толиқиб қолмаслиги учун машғулотлар кисқа, лекин кўп марта ўтказилиши лозим.

5. Кинестик сезгини, кинестик анализ ва тасаввурни шакллантиришга катта эътибор бериш керак.

6. Ҳаракатларни ўзлаштириш билан бирга, товушларни реализация қилиш учун логопед бошқа товушларга керак бўлган ҳаракатлар устида ишлашга ўтади.

Товушларни тўғри талаффузини ўргатишда артикуляция гимнастикасининг аҳамияти каттадир. Артикуляция гимнастикасининг мақсади, товушларни тўғри талаффуз этиш учун зарур бўлган артикуляция аъзоларини тўлиқ, аниқ ҳаракатини ўргатиш ва оддий ҳаракатларни мураккаб ҳаракатларга-турли хил фонемаларнинг артикуляция тартибига бирлаштиришдан иборатdir. Бажари-

ладиган ҳар бир машқулар ўз номига эга. Машқуларнинг номлари шартли, лекин болалар уларни эслаб қолиши жуда муҳимdir[2,4-6].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак нутқ камчиликларини бартараф этишда ҳар бир нутқ камчиликларини турини келиб чиқиш сабабини, унга ёндошиш усулини билиш ва дифференциаллашган методлардан фойдаланишнинг аҳамияти катта.

Адабиётларни тахлил қилас эканмиз, болаларда учрайдиган нутқ камчиликларини келиб чиқишини тўғри ташхислаш зарурлиги ва уларга ўз вақтида тўғри танланган усууллар асосида логопедик - коррекцион ишларни қизиқарли усууллар асосида ташкил этиш, нутқ камчилигини барвақт бартараф этишнинг энг тўғри усулидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.Ю.Аюрова "Логопедия" - Т.: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти", 2007.
2. Т. Б. Филичева, О. С. Орлова, Т. В. Туманова. Основы дошкольной логопедии - Москва : Эксмо, 2015. 4-6 стр
3. М.Ю. Аюрова, Ш.Д. Арирова "Логопедия: тўғри талаффуз қиласиз ва ёзамиз" Т.: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти", 2015. - 100 бет.

* * * * *

ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Наргиза ОЧИЛОВА - магистрант,
Жizzax давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари ўқув жараёнида ахборот тушунчаларини ўкувчиларда шакллантириш масалалари қаралган. Хусусан, бошлангич синф математика дарсларида мисол ва масалаларни ечиш жараёнида ахборот тушунчаларини шакллантириш жиҳатлари келтирилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: мактаб, бошлангич таълим, ахборот ва педагогик технологиялар.

АННОТАЦИЯ: В данной статье представлены примеры и задачи формирования в сознании учеников среднеобразовательных школ понятия информации в учебном процессе. В частности, приведены аспекты формирования понятий информации в сознании учеников начальных классов на уроках математики.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: школа, начальное образование, информационно-педагогические технологии.

ABSTRACT: This article presents the tasks of forming the concept of information in the educational process in the consciousness of students of secondary schools. In particular, aspects of the formation of concepts of information in the consciousness of primary school students in mathematics lessons are given.

KEYWORDS: school, primary education, information and pedagogical technologies didactic.

Республикамизнинг келажаги унинг ажралмас қисми бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган давлатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, унда илфор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш ва таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017-йил 7-февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўгрисида"ти ПФ-4947-сонли Фармонида 2017-2021-йилларда мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилди. ҳаракатлар стратегиясидаги

бешта устувор йўналишдан тўртинчиси ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган. Унинг тўртинчи Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бандида "узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, Компьютер техникаси ва ўқув-методик кўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш" каби долзарб масалалар келтириб ўтилган [1].